



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

Иқтисодиёт ва менежмент _____ факультети

Индустриал иқтисодиёт фанидан

КУРС ИШИ

**Мавзу: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат ишлаб
чиқариш самарадорлиги ошириш имкониятлари**

ИК-316 гуруҳ талабаси

Бажарди: И.Жиянбоев

Текширди: З.К.Рахимов

Самарқанд – 2019

Режа:

Кириш.....	3
1. Самарадорлик тушунчаси, мазмуни ва аҳамияти.....	5
2. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	10
3. Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришининг ҳолати....	16
4. Саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг имкониятлари.....	19
5. Саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда чет эл мамлакатларининг тажрибаси.....	21
Хулоса ва таклифлар.....	24
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	26

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат соҳасини модернизация қилиш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш мумкин. Мамлакатимизда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва уларни истеъмол учун тайёр маҳсулот сифатида ички ва ташқи бозорларда сотиш орқали саноат ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишимиз мумкин.

Юртимизда саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашга қаратилган макродаражадаги сиёсат натижаси кундан-кунга намён бўлмоқда. Бу жаҳоннинг йирик халқаро ташкилотлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида саноат тармоқларини ривожлантириш мақсадида, сўнги йилларда туб ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилиб, замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали маҳсулот сифатини оширишга кенг имкониятлар яратилмоқда, маҳсулотлар ассортиментини кўпайтиришга катта аҳамият бериб келинмоқда.

Саноатнинг ривожланишида ва мамлакатимиз миллий иқтисодиётида саноатнинг аҳамиятини ортишида корхоналарнинг стратегияси муҳим роль ўйнайди. Саноат корхоналари стратегияси умумий маънода корхонанинг мавқеини мустаҳкамлаш, истеъмолчиларнинг талабларини қондириш ва қўйилган мақсадларга эришишга қаратилган бошқариш режасидир.

2019 йил 20 февраль куни республикаимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини янада қисқартириш, қурилиш материаллари саноатини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этишни рағбатлантириш, илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини диверсификация қилиш ва экспорт ҳажмини

кенгайтириш, тармоққа инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” ва “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида” белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш¹ мақсадида қарор қабул қилинди.

Аниқ стратегияни танлаш – ривожланишнинг мумкин бўлган турли йўллари ва усуллари ичидан энг мақбулини танлаб олиш демакдир. Бошқариш яхши ташкил этилган корхоналар ҳам кутилмаган нохуш вазиятларга дуч келади. Пировард натижада яхши стратегия бозорда кучли мавқени эгаллаш, кутилмаган ҳолатларга, кучли рақобатга ва ички муаммоларга қарамай муваффақиятли ишлашга замин яратади. Иқтисодийни модернизациялаш шароитларида саноат корхоналарини бошқариш режаси қуйидаги асосий функция ва бўлинмаларни ўз ичига олади: таъминот, ишлаб чиқариш, молия маркетинг, ходимлар, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар. Стратегияни танлаш эса – бу бизнес ечимлар ва рақобатга бардошлилик ҳаракатларини ягона тизимга боғлаш демакдир.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан 2015 йилда “Иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”² деб таъкидлаган эдилар. Шу боис, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

¹ <http://www.uzlidep.uz/news-of-uzbekistan/4011>

² Халқ сўзи 2015 йил 19 январ.

1. Самарадорлик тушунчаси, мазмуни ва аҳамияти

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Афсуски, бозор шароитларида “самарадорлик” тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасада, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади. “Самара”, “самарадорлик”, “ижтимоий-иқтисодий самарадорлик” каби тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга. Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Иқтисодий самарадорлик самарадорликка қараганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди ҳамда барча ҳолларда самаранинг унга эришиш учун кетган харажатлар(ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир қилмаган ҳолда), самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.³

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади: иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Масалан, фойданинг ўсиши, жамғармаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазифалар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имконини беради.

Бироқ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи – фойда (даромад) ўз-ўзидан, автоматик равишда юзага келмайди. Турли корхоналарда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, турли восита ва йўллардан фойдаланилади. Бунда вақт омили, яъни самарадорликка қисқа ёки узок муддатларда эришишни мўлжаллаш, асосий роллардан бирини ўйнайди. **Масалан**, корхона олаётган фойдасини қисқа вақт мобайнида маҳсулот

³ Б.А. Абдукаримов., А.Н. Жабриев., И.Р. Зугуров ва бошқалар. “Корхона иқтисодиёти”-Т.:2008й. 110 бет.

сифатини яхшилашни маблағ билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта куруллантириш ва модернизация қилиш, ходимлар малакасини оширишга ажратилаётган маблағларни камайтириш йўли 5 билан кўпайтириши мумкин. Узоқ муддатли режаларда эса бу, фойданинг камайишига ва ҳаттоки корхонанинг бозордаги ўрнини йўқотиши натижасида банкротга учрашига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўзининг ривожланиш йўлини танлагач, иқтисодиётимиз ривожланишини таъминловчи турли ислохотлар олиб бориш имконияти очилди. Сўнгги йилларда мамлакатимиз Президенти иқтисодиётни ривожлантиришда айнан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта диққат эътиборни қаратмоқда. Бежиз эмас, мамлакатимиз худудида кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши нафақат иқтисодиётнинг барқарор ривожини таъминлайди, балки у қанчадан-қанча янги иш ўринлари яратилиши, ишсизликнинг олди олинishi ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланиши учун замин бўлиб хизмат қилади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, самара ва самарадорлик қотиб қолган категориялар қаторига кирмайди ҳамда фақатгина пул кўринишида ўлчанмайди. Самарадорлик ва сифатли меҳнат туфайли корхона биринчидан, ўзининг иқтисодий барқарорлиги ва бозордаги рақобатчиликка бардош беришини таъминлайди, иккинчидан, ўз имиджини яхшилади ва ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди, учинчидан, ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилади. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари қидириш, харажат ва натижаларни тўғри солиштириш, мулкчилик шакли, қайси тармоққа тегишлилиги, худудий жойлашиши ва фаолият туридан қатъи назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади.

Самарадорликни ўз навбатида, ички ва ташқи тоифага ажратиш мумкин.

Ички самарадорлик – бу тежамкорлик (иқтисод қилиш), яъни мавжуд ресурсларни энг яхши(оптимал) равишда тақсимлаш ва фойдаланиш имкониятидир.

Ташқи самарадорлик – ташкилотнинг мақсадларига эришиш даражасини белгилайдиган менежмент натижавийлигини билдиради. Ишлаб чиқариш самарадорлиги деганда якуний натижаларнинг қўлланиладиган ёки сарфланган ресурсларга нисбати(муносабати), яъни ишлаб чиқариш натижаси (самарадорлиги) ва харажатлари ўртасидаги тафовут тушунилади. Бу тушунча ишлаб чиқариш тартибининг динамик жараёнига баҳо беради ва ундаги сифат ўзгаришларини акс эттиради. Кенг маънодаги ижтимоий самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланиши мумкин:

- истемолчилар буюртмаларини бажариш даражаси;
- корхонанинг бозорга чиқарган маҳсулотлари ҳажми ва ҳоказолар.

Бозор шароитлари тегишли кўрсаткичлар ва иқтисодий самарадорлиги баҳоланиши мезонларининг ишлаб чиқирилишини талаб қилади. Бир неча базавий кўрсаткичлар мезонларини киритиш эҳтиёжи туғилади, улар асосида бошқарув тизими натижавийлиги баҳоланиши амалга оширилади; функционал тизимостилар ва бошқарув даражалари бўйича самарадорлик баҳоланиши талаб қилинади.

Иқтисодий самарадорлик ташкилот ижтимоий-иқтисодий ривожланиши натижавийлигини акс эттиради. Ушбу ҳолатда бошқариш самарадорлиги корхона бутун фаолиятида эришган унумдорлик кўрсаткичларида намоён бўлади. Самарадорлик унумдорлик кўрсаткичи сифатида натижа билан харажатнинг ўзаро ўлчамли бўлишини талаб қилади.

Истемол бозорида фаолият юргизаётган тармоқларнинг фаолият йўналишлари ва салоҳияти турличадир. Аммо истемол бозорида уларнинг маҳсулотлари дифференциялашган (табақаланган). Истемолчи сифатида

уларнинг сифати бахолари ўртасида кескин фарқ бор.⁴ Шунинг учун монополистик рақобат ташқи муҳит рақобатидан афзал бўлиши учун маҳсулотлар дифференциялашувининг стратегиясини асосий йўналиши сифатида белгилаб олади улар:

-ҳар қандай дифференция истемолчи учун ўзига хос „қимматига эга бўлиши керак;

-бу қийматлилик асосан истемолда самарадорлигини ошириш фойдалиликни ёки истемол товари таннари ошириш ҳисобидан амалга ошириш;

-корхона ўз дифференциясини ҳимоя қила олиши керак, хаттоки рақобатчилар шундай имкониятлардан фойдаланишига эга бўлмасинлар;

-бахони ошириш потенциал истемолчилар учун маҳсулот сифатини хизмат кўрсатиш даражасини ошириш;

- агар маҳсулот бозорда кам эътиборли ёки ўз ўрнига эга бўлмаса корхона барча йўллар билан уни кескин суратга реклама қилиши лозим.

Корхона бўйича рақобатчиларни ўрганиши рақобатни шакли ва даражаларини аниқлаш қуйдаги усуллар орқали амалга оширилади:

-асосий рақобатни аниқлаш:

-кучли ва кучсиз томонлари, молиявий аҳволи бозордаги мақсади ички фаолияти хусусияти ва бошқариш кабилардан иборат.

Рақобатчи кўрсаткичлари ҳар бир соҳада ва хизмат турида ўзига хос хусусиятларга эга. Ишлаб чиқариш соҳасида қувватларнинг жойлашиш манзилига мамлакат ишчилари билан таъминланганлиги, ресурслари ва бошқа хусусиятлари.

Бевосита ишлаб чиқариш корхонасида шартли равишда икки гуруҳга бўлинади:

1.Турли кўрсаткичларга жойлашган ўрнига боғлиқ.

2.Туркум кўрсаткичларига жойлашган фаолиятига боғлиқ.

⁴Ростова Ю.И. и др. Экономика организаций (предприятий) в схемах. Учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2009. – 240 с.

Рақобатчилар ҳолатлари уларнинг курашдаги вазият талабларидан келиб чиқади. Корхона фаолияти билан танишиш ва корхона хос бўладиган кўрсаткичлар қўллаш асосида қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин. Рақобатчи кўрсаткичлари сифатида корхонани жойлашган манзили, хизмат кўрсатиш вақти, товарлар ва хизматларнинг асортимент келажаги хизмат кўрсатиш маданияти нарх бўйича маҳсулотлар сифатининг ўсиши молиявий барқарорлик қўшимча хизматларни тавсия этиш ва бошқа кўрсаткичлар эксперт баҳолаш услуби асосида ушбу кўрсаткичлар қуйидаги миқдорларга эга бўлди.

2. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари

Мамлакатимизда саноат тармоқларининг салоҳиятини ўсиб бориши билан, уларнинг турли хилдаги тара-упаковкаларга, шунингдек салқин ичимликлар молларига бўлган талаб кескин ўсиб бормоқда. Натижада мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сони ўртасидаги рақобат кураши ҳам кучаймоқда.

Истемолчи товарни харид қилиб уни истемол қилиб *масалан* салқин ичимликларини турли хил ишлаб чиқарувчи корхоналарининг қайси бири сифатли, тами мазали ва нархи унча қиммат бўлмаган салқин ичимликлар рақобат бозорида ўрин топаётти “Coca-Cola, Sprite, Fanta, Nestle”.

Ўз навбатида, корхона ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг юқори сифатлиги, уларнинг юқори сифатга эгаллиги уларга бўлган талаб ва эҳтиёжни кескин ошишига олиб келмоқда. Ва рақобат бозорида мустахкам ўз ўрнига эгаллиги ва мавқеини сақлаб қолмоқда.

Корхоналарнинг ривожланишига турли омиллар таъсир кўрсатмоқда буларнинг асосий сабаблардан бири территорияда фаолият юргизишаётган ўнлаб рақобатчи кичик тармоқларидир. Улар асосан хусусий акционер ҳамда уюшмаган тарқоқ кичик корхоналардан иборат.

Ҳозирги бозор иқтисодиётида бу табиий ҳол бўлиб доимо атрофдаги мавжуд тармоқлар савдо соҳаларини кузатиб боришади бунда кузатув объекти сифатида:

- 1) Мавжуд товар асортиментларининг турлари :
- 2) товарларнинг нарх новолари:
- 3) сифати, уларни қадоқланиши упаковканиши,
- 4) Савдо тармоқларининг иш вақти:
- 5) Мол таъминоти соҳалари:
- 6) Ҳизмат кўрсатиш соҳалари ва бошқалар:

Товаршунос ҳар 2-3 кунда мазкур кузатув материаллари асосида ҳар бир товар гуруҳлари бўйича маълумотнома тайёрлайди. Уларни олиб келиш графикларини кунларини белгилайди. Ҳозирги пайтда мол таъминотида ва харидорларни жалб қилишда муҳим омил баҳо, нарх-наво бўлиб қолмоқда.

Бу айниқса озиқ-овқат маҳсулотларига ўз аксини кўрсатмоқда. Шунинг учун савдо ходимлари рақобатчилардан фарқли ўлароқ ойида 2-3 марта товарларга қўйилган устамаларни кўриб чиқишади ва уларни айримларини пасайтириб айланиш тезлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишади.

Бу эса умумий иқтисодий фаолият соҳасини кенгайтиришга корхона даромадини рентабеллигини 2,02 фоизга оширишга олиб келди. Ҳозирги кунда товаршунос маркетинглар томонидан ҳар бир рақобатчи тармоқлар фаолиятини ўрнатиб уларнинг ижобий томонлардан керакли ибрат олиб ўзларининг ўзларини дастурларини ишлаб чиқишмоқда. Мол таъминотида доимий таъминотчи корхоналар билан узвий алоқалар ўрнатилиб доимий истеъмолчи сифатида фаолият юргизмоқдалар⁵.

Мазкур тадбирлар орқали корхона истемол бозорида ўз мавқеини ва вазиятини эгаллаб қолиши мумкин. Жамият маҳсулотларининг

⁵Дресвянников В.А. Управление знаниями организации. Учеб. пособ. – М.: КНОРУС, 2010. – 104 бет.

рақобатдошлигининг муҳим элементи ва бозор салоҳиятини белгилашнинг асосий элементи бўлиб нарх-наво ҳисобланади.

Шундай қилиб корхона танлаган стратегияга эришиш учун қуйидаги йуналишларга эга бўлиш керак:

1.Маҳсулот ассортимента стратегияси буйича:

-қурилиш маҳсулотларини кенг қуламда таклиф этиш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

-Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатини ва ташқи қурилишини каттик назорат остига олиш;

2.Ишлаб чиқариш стратегияси буйича:

-Ишлаб чиқариш технологияси билан узвий боғлиқ бўлган маҳсулотларга каттик талаб (стандарт) урнатиш;

-Фойданинг бир қисмини технологияни янгиликлар ихтиро этишга, инновация учун йуналтириш;

-Сифат соҳасида иш олиб борадиган яхши мутахассисларни ишга жалб этиш.

3.Маҳсулотларни сотиш стратегияси буйича:

-корхона ишлаб чиқариш борасида имиджини мустаҳкамлаш;

-Дунё бозоридан мустаҳкам урин эгаллаш, ташқи мамлакатларда савдо уйлари ташкил этиш;

-Харидорлар сонини қучайтириш учун қулай баҳоларни ва шароитларни қуллаш;

-халқ истеъмоли маҳсулотлари турлари буйича халқаро ярмарка ва қурғазмаларда қатнашиши;

-Оммавий ахборот воситалари орқали рекламани ривожлантириш.

4.Персонал танлаш ва тайёрлаш стратегияси буйича:

-Адолатли иш ҳақи таърифларини ташкил этиш.

-истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни урганиш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, хизмат қўғонасида қутаришни таклиф этиш.

-Ҳаққўй, қунгли қок бўлган ишчиларни ишга қўпроқ жалб этиш;

-Мутахассилар тайёрлашни кучайтириш.

5.Ижтимоий соҳа стратегияси буйича:

-Корхона ходимларини яхши хордик чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш;

-Ишлаб чиқаришда юз берадиган фалокатлардан ходимларни суғурталаш:

-Ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш.-

Фойда хисобидан корxonанинг маданий-маиший, спорт соҳасини ривожлантириш ва бошқалар.⁶

Шундай қилиб корxonанинг танлаган стратегиясига эришишининг асосий йўналишлари билан бир қаторда қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

1.Уз махсулотларини сотишда бозорларни сегментларга булиш.

2.Корхона махсулотига булган талабни мақсадли йўналтирилган ҳолда урганиш.

3.Истеъмол бозорида мавжуд булган рақобатчиларни урганиш.

4.Махсулотларни сотиш учун мулжалланган савдо уйлари ва махсус дуконларни ташкил этиш.

5.Сотишга мулжалланган махсулотларни суғурталаш.

6.Корхона махсулотларини ташқи ярмарка ва кургазмаларда реклама қилиш ва бошқалар.

Мамлакатни модернизациялаштириш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.

Ҳозирги мамлакатни модернизациялаштириш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корxonанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс

⁶ Кантор Е.Л, и др. Экономика предприятия. – СПб: Питер, 2009. – 132 бет.⁶

эттиради. Ҳар қандай ишда, жумладан, корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оврагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

*ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;

*асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;

*прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;

*ҳом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;

*ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;

*ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Амалиётда фан-техника тараққиётининг, жумладан, унинг таркибий қисмларининг аҳамияти ва ролини инкор қилувчи ёки тушунмовчи корхонани топиш амри маҳол. Бироқ ушбу омилни амалга ошириш учун фақатгина ҳоҳиш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун **биринчидан** пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар (инвестициялар) излаб топиш, **иккинчидан**, замонавий илмий

-техникавий ишламаларга ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа илмий муассасалар билан керакли алоқаларни “боғлаш”, **учинчидан**, ўз илмий

-техникавий мақсадларининг самаралилигини ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади.

Масалан Ўзбекистонда устириб етказилган пахтани янги техника ва технологиялар ёрдамида пахтадан ип, ипдан эса мато, матодан эса сифатли кийимлар ишлаб чиқариш ва таёр махсулотларини чет эл бозорларига чиқариш.

Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш чуқур ислохотларни амалга оширишни талаб қилади. Барча корхона ишлаб чиқаришни интенсивлаштирувчи тадбирларни амалга ошириш зарур. Самарали ташкил этилган иқтисодиётга ўтиш ҳар томонлама ривожланган ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари билан таъминланган бўлиши лозим.

Бунинг учун корхона ишчилари олий маълумотли, етарли билимга ва замонавий техника технологиялар билан жихозланган бўлиши шарт ва ички ва ташқи бозорлар билан доим мулоқотда бўлиши шарт.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи энг муҳим омил

-бу фан ва техника тараққиёти бўлиб келган ва шундай бўлиб келмоқда.

Охирги вақтларгача фан-техника тараққиёти эволюцион тарзда ривожланиб келди. Натижада амалдаги технологиялар такомиллашиб, машина ва ускуналар қисман замонавийлашди. Бундай натижа сезиларли, лекин кутилганидек эмас эди.

Янги техникалар бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш етарли даражада эмас эди. Эркин бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳозирги шароитида фан ва техниканинг охирги ютуқлари асосида халқ хўжалигининг барча тармоқларида янги техника ва технологияларни жорий қилишга қаратилган революцион ва сифатлий ўзгаришларни амалга ошириш лозим.

Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари куйидагилар:

-илғор технологияларни кенг ўзлаштириш: юқори босим ва таъсирчан кучлар кўлланиладиган мембранали, лазерли, плазмали технологиялар ва бошқалар;

-ишлаб чиқаришни автоматлаштириш;

-юқори меҳнат унумдорлигини таъминловчи робот техникалар;

-роторли ва ротор конвейер линиялар, мосланувчан;

-автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш.

Бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан корхоналар келажакдаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга етарли эътибор бера бошлайдилар. Янги техникаларга, ишлаб чиқаришни янгилашга, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга зарурий воситаларни йўллайдилар. Ундан ташқари, ташкилий шарт-шароитлар, ва омиллар, конструкторлар, инженерлар, ишчилар ижодий меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий мотивлар яратиш зарур. Техник ва технологик янгиланишлар, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар меҳнат унумдорлигининг ошишига сезиларли таъсир кўрсатади.

3.Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришининг ҳолати


Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш билан бирга саноат ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотларни қайта ишлашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қайта ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни замонавий техника ва технологиялар билан ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш учун имкониятлар яратиб берилмоқда.

2017 йил январь-декабрь ойларида республика корхоналари томонидан 144,2 трлн. Сўмлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 107,0 фоизни ташкил этди. Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ошишининг асосий омили бўлиб, қайта ишлаш

саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,4 фоизга (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ишлаб чиқариш оишишига 5,2 пункт), тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашнинг – 12,9 фоизга (ошишга қўшган ҳиссаси 1,3 пункт), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитциялашнинг 9 фоизга (ўсишга қўшган ҳиссаси 0,4 пункт) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 13,5 фоизга (ўсишига қўшган ҳиссаси 0,1 пункт) ўсиши ҳисобланади.

3.1. расм⁷

Январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш турлари



Диаграммадан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш турларида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ишлаб чиқарадиган (қайта ишлайдиган) саноатда 112,7 трлн. сўмни ёки жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 78,1 фоизни тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашда 18,3 трлн. сўмни (12,7 фоизни) электр, газ, буғ

⁷ <https://stat.uz/uploads/docs/prom-yan-dek-2017-uz-.pdf>

билан таъминлаш ва ҳавони кондитциялашда 12,1 трлн. сўми (8,4 фоизни) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишда 1,1 трлн. сўми (0,8 фоизни) ташкил этди.

Рақамлар: – Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 144,2 трлн. сўми, ўсиш 7,0 фоизни ташкил этди. Истеъмол товарларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши -38,9 фоиз саноатда кичик бизнеснинг улуши - 39,6 фоизнинг саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши -26,7 фоизни ташкил этган.

Мамлакатимизда тоғ-кон ресурсларидан оқилона фойдаланиш натижасида 2018 йилларда айлим кўрсаткичлар натижасини кўриб чиқишимиз мумкин. (3.1 жадвал)

3.1-жадвал⁸

Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлашда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрь ойига нисбатан, % да
Нефть	минг. т	746,4	91,8
Газ конденсати	минг. т	2143,6	109,9
Табий газ	млн. куб. м	59842,2	106,1
Кўмир	минг. т	4174,4	103,4
Шағал	минг. т	401,4	87,7
Чақик тош	минг. т	1191,1	119,8

Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 175,4 трлн. сўми ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 76,6 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғнинг улуши 1,6 % ни (2017 йил январь-декабрь ойларида – 1,9 %), ўрта-юқори технологиялини – 29,7 % (21,7 %), ўрта-қуйи технологиялини – 29,8 % (27,0 %) ва қуйи технологиялини – 38,9 % (49,4 %) ташкил этди.

4.Саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг имкониятлари

⁸ https://stat.uz/uz/statinfo/sanoat/statistik-jadvallar-sanoat/197-ofytsyalnaia-statistika-uz/promyshlennost-uz/index.php?option=com_content&view=article&id=2323&catid=182&lang=uk-UA

Мамлакат саноат тармоғини янада ривожлантиришнинг имкониятлари кенглигини эътиборга олиб, тармоқларнинг самарадорлигини янада ошириш, халқаро бозорларга мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат брендини бутун дунёга танитиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада юртбошимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан “2017 – 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув- трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қароридан “Енгил саноат корхоналарига, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маркетинг, ахборот ва консалтинг хизматлари кўрсатиш, кўргазмаларда ва матбуот нашрларида реклама тадбирларини амалга ошириш, экспорт салоҳиятини кенг ёритиш ҳисобига енгил саноат маҳсулотларини экспортга йўналтириш” масалаларини “Ўзбекенгилсаноат” АЖнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналиши этиб белгилаган.

Енгил саноат тармоғини ривожланишига қаратилган барча чора-тадбирлар корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошишига, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда.⁹ Рақобатбардошлик даражасини аниқлаш, рақобатбардошлик омиллари таъсирчанлик даражасини ўрганиш, корхоналарга муносиб баҳо бериш, йўл кўйилаётган камчилик ва муаммоларни аниқлаш, ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан самарали фойдаланиш масалалари мақоланинг долзарблигини кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда саноат соҳасини такомиллаштириш мақсадида 2018 йил “Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси” ташкил этилди.

Идора Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (Саноатгеоконтехназорат) ва унинг минтақавий инспекциялари негизида ташкил этилди.¹⁰

⁹ Енгил саноат корхоналарининг “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил 22/2018 (№ 00034) www.iqtisodiyot.uz

¹⁰ https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/sanoat_havfsizligi_davlat_qumitasi_tashkil_etildi

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси – атом энергетикаси ва ядро технологиялари объектларида радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва назорат қилиш учун жавобгар бўлган ваколатли давлат бошқаруви органи.

Мазкур орган Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси таркибига киради. Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси тузилмасида Радиация ва ядро хавфсизлиги департаменти, шунингдек Ангрен, Олмалик ва Қизилқум кон-техника инспекциялари ташкил этилди.

Янги идора функциялари жумласига тармоқни ривожлантириш бўйича стратегик режа ва дастурларни ишлаб чиқиш, атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида лицензиялаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ объектлар хавфсизлигини экспертиза қилиш, норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳ.к. киради.

Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, айниқса, энергетика соҳаси долзарб масалалардан ҳисобланиб келинмоқда. Жумладан, мамлакат иқтисодиётининг ўсиши ҳамда аҳоли соснининг ортиб бориши билан бирга энергетика соҳасини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Чунки, аҳоли сонининг ортиши ва ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) корхоналарининг ортиши билан бирга электр, газ истеъмол даражаси ҳам ортиб боради. Бунинг учун мамлакатимизда мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш мақсадида республикамиз ҳудудида атом электро станциясини қуриш учун ҳаракат бошланди. АЭС иқтисодий жиҳатдан арзон ва қулай бўлгани ҳамда унга зарур бўлган ресурсларнинг республикамизда мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг қурилиши мамлакатимиз иқтисодиётини янада самарали ташкил этиш учун хизмат қилиши мумкин.

5. Саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда чет эл мамлакатларининг тажрибаси

Иқтисодийни модернизациялаш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш бутун миллий иқтисодийни, шу жумладан, унинг ажралмас қисми бўлган саноат корхоналари йўналишида амалга оширилаётган ислохотларни жадаллаштиришни ҳам талаб қилади. Ҳозирда бу соҳа миллий иқтисодийнинг бошқа тармоқларига нисбатан замонавий тадбиркорлик шакллари, хусусан, хусусий тадбиркорлик даражасининг ривожланиши бўйича кутилаётган самарадорлик кўрсаткичларини етарли даражада таъминламаяпти. Шу сабабли ҳам ҳозирги даврда замонавий менежментнинг илғор усулларидан фойдаланган ҳолда саноат корхоналарида самарадорликни ошириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Хорижий фирма ва корхоналар ўз фаолиятларида самарадорликка эришиш учун ишлаб чиқариш техника ва технологияларига эътиборни кучайтиришдан ташқари, маҳсулот сифатини ошириш ва уни реклама қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. *Масалан*, Япониянинг “Омрон” фирмаси ўзига “Барчанинг яхши ҳаёти, яхши дунё учун” деган иборани шиор қилиб олган. Американинг “Катерпиллер” компаниясининг шиори “Дунёнинг ҳар бир бурчагида 48 соат хизмат кўрсатиш” бўлса, “Рибок” фирмаси “Яхши баҳодаги нарх” иборасини шиор қилиб олган. Бундай мисоллардан яна бир нечтасини келтириб ўтиш мумкин.¹¹

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида самарадорлигини ошириш омилларининг юқорида санаб ўтилган ҳар бири, фаолият юритишнинг турли шакл ва кўринишлари ёрдамида, ишлаб чиқариш самарадорлиги асосида ётувчи харажатлар ва ресурсларнинг туғри ва ҳозирги пайтда талабларга мувофиқ сифатли ва малакали хизмат курсатиш мақсад қилиб олинган.

¹¹ Б.А. Абдукаримов., А.Н. Жабриев., И.Р. Зугуров ва бошқалар. “Корхона иқтисодиёти” 2008й. 153 б.

Жаҳон тажрибасидан аёнки, замонавий бошқарув усулларининг жорий этилиши компания фаолияти самарадорлигини оширади.

Ҳозирги иқтисодий ўтиш шароитида корхона бошқарув тизими самарадорлигини аниқлаш, унга таъсир қилувчи омиллар, жумладан корхона моддий-техник ва молиявий ҳамда меҳнат ресурсларини ва пировард натижада унинг иқтисодий аҳволини таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Бу эса, нафақат корхонанинг менежменти балки корхона ишлаб чиқариш ресурслари самарадорлигини ва мавжуд камчиликларини кўрсатиб беради. Албатта, ушбу натижалар саноат корхонасини истиқболли режалаштириш ва бошқарувнинг замонавий янги усулларини жорий қилишга асос бўлади.

Корхона иқтисодий механизмининг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш ва ҳисоблаш бўйича анъанавий ёндашувлар хўжалик юритиш фаолиятининг барча томонларини миқдорий изоҳлашни ўз ичига олади.

Иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳозирги босқичда иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Техник тараққиёт ва ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, бошқарув назарияси ва амалиёти, шунингдек, янги техника, технология, ташкиллаштириш, бошқарув ҳамда қурилиш материаллари ва конструкцияларидан фойдаланишни танлаш иқтисодий самарадорликнинг ҳисоб-китоби билан узвий боғлиқ.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини бошқариш масалалари махсус иқтисодий адабиётларда охирги йилларда кенг миқёсда ўрганилмоқда. Аммо капитал қўйилмалар, янги технологиялар, илмий-тадқиқот тараққиётидан оптимал фойдаланиш мақсадларида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий эътибор нисбий иқтисодий самарадорлик масалаларига қаратилади.

Аммо келтирилган харажатлар минимуми нисбатан самарали, қисқа копланиш муддати (капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлик коэффиценти норматив коэффицентларга нисбатан ортади)га эришишни таъминлаши лозим.

Иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларда самарадорлик кўрсаткичларини ошириш учун кўп изланишлар олиб борилмоқда. Айрим иқтисодий ривожланаётгант мамлакатлар ўзларининг ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри йўлга қўйиш учун илмий институтлардан консалтинг хизматларини олишда кенг фойдаланиб келмоқдалар.

Россия Федерациясининг корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ёки хизматларнинг оборотини ошириш мақсадида миждозлардан анкет сўровлар ўтказиш йўлга қўйилган. Унга кура, ҳар бир миждоз ўзи истаган товар ёки хизматни тасвирлаб беради. Бу уз навбатида корхоналар бозорда ўзларининг товар ва хизматларига келажакда бўлиши мумкин бўлган истеъмол даражасини оширишига имкон яратади, рақобат муҳитида эса мустаҳкам туришни таъминлайди ҳамда корхонанинг қўйилганмақсадларга самарали эришишга имконият яратади.

Хулосалар ва таклифлар

Иқтисодийнинг таркиби, инфратузилмаси, бошқаруви, геоиқтисодий ҳолати, миллий қийматликлари ҳамда тарихидаги тафовутлар барчаси у ёки бу даражада мамлакат ва унинг корхоналар стратегиясига таъсир қилади. Глобаллашув жараёнида товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи омиллар миқёси ва таркибида корхона стратегияси салмоқли ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга оширишнинг барча босқичларида ички ва ташқи иқтисодий муносабатларда таркибий ўзгартиришларнинг устувор вазифаси укорхоналарда мақбул стратегияни танлаш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳисобланади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ушбу масалани ҳал этишнинг долзарблиги янада ортди ва у иқтисодий эркинлаштириш ҳамда модернизациялашнинг давомий стратегик йўналиши сифатида қаралмоқда. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида миллий иқтисодий стратегияни аҳамиятини ошириш бўйича тизимли тадбирлар белгиланган бўлиб, унда дастлаб реал сектордаги товар ва маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларни ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш, қатъий тежамкорликни қўллаш, маҳсулот тоннажи ва харажатларини пасайтиришни рағбатлантириш, шу жумладан, энергия тежамкорлигини самарали тизимини қўллаш ва энергия сифimini қисқартириш бўйича чоралар, ички бозорда ялпи талабни рағбатлантириш ва бошқалар белгиланган эди.

3.1. диаграммада Ўзбекистонда январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш турларида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ишлаб чиқарадиган (қайта ишлайдиган) саноатда 112,7 трлн. сўмни ёки жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 78,1 фоизни тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда 18,3 трлн. сўмни (12,7 фоизни) электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони

кондитциялашда 12,1 трлн. сўмни (8,4 фоизни) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишда 1,1 трлн. сўмни (0,8 фоизни) ташкил этди.

Мамлакат саноат тармоғини янада ривожлантиришнинг имкониятлари кенглигини эътиборга олиб, тармоқларнинг самарадорлигини янада ошириш, халқаро бозорларга мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат брендини бутун дунёга танитиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада юртбошимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан “2017 – 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув- трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорида “Енгил саноат корхоналарига, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маркетинг, ахборот ва консалтинг хизматлари кўрсатиш, кўргазмаларда ва матбуот нашрларида реклама тадбирларини амалга ошириш, экспорт салоҳиятини кенг ёритиш ҳисобига енгил саноат маҳсулотларини экспортга йўналтириш” масалаларини “Ўзбекенгилсаноат” АЖнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналиши этиб белгилаган.

Юқорида келтирилган натижалардан самарадорлик кўрсаткичларини янада ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

- Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолиятини илмий институтлар билан боғлиқ ҳолда олиб боришини таъминлаш;
- Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни истеъмолчиларга мос ва хос равишда шакллантириш. Бунинг учун анкет сўровдан фойдаланишни йўлга қўйиш;
- Менежмент, маркетинг фаолияти такомиллаштириш ва сифатли кадрларни танлаш;
- Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги 1991 йил 19 ноябрдаги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1993 йил 6 майдаги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 майдаги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори.
6. Шавқиев Э., Нормуродов У., Артиков З., Хазратов А. “Корхона иқтисодиёти” фанидан маърузалар курси I-II-қисм. Самарқанд – 2016 йил.
7. Йўлдошев Н. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ. 2005.
8. Солиев А., Бузрукхонов С. Маркетинг. Дарслик. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2010.
9. <https://stat.uz/uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
10. <http://www.lex.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
11. <http://ziyonet.uz/> – Таълим портали.
12. <http://samarkand.uz> – Самарқанд вилояти ҳокимлиги расмий веб-сайти.
13. <https://www.norma.uz/>